



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 19 ” fevral

Қ-96 -son

Termiz sh.

Термиз тумани “Амударё Гулбахор” массиви “Гулбахор” маҳалласи худудидан “Аgro Termiz Ехро” хусусий корхонасига “Интенсив боғ яратиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 05-02/775-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 26 сентябрдаги 01-08/345-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Термиз тумани “Амударё Гулбахор” массиви “Гулбахор” маҳалласи худудидан “Аgro Termiz Ехро” хусусий корхонасига “Интенсив боғ яратиш” учун туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиқ харитасининг 97, 98, 99, 100 ва 101-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 37,5 балл бонитетли жами 38,6 гектар, шундан 38,1 гектар суғориладиган бўз ер, 0,1 гектар ариқ-зовурлар, 0,2 гектар йўллар ва 0,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ердан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов

Т.Боболов